

Кудратова Кундузхон

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти

II курс магистранти

998974604155

- kunduzxonkudratova@gmail.com

Мустақиллик даврида ўзбек аёллари тақинчоқларининг ўрганилишига доир.

Халқнинг маънавий, бадиий ва эстетик идеалларини кўрсатиб берувчи амалий санъатнинг оммавий кўринишлари алоҳида аҳамият касб этади. Тақинчоқлар ва заргарлик буюмлари hozирда тарих фанининг археология ва этнография каби йўналишларига мустақил ахборот манбаи деб тан олинган.

Ҳозирги замонавий тақинчоқлар худди либослар каби функционаллик вазифасини бажаришмоқда, аммо қадимда ҳар бир тақинчоқ чуқур маънони англатган ва тасодифий бўлмаган, бироқ бизнинг давримизда у маъноларнинг аксари унут бўлгандир. Бизгача етиб келган қадимий тақинчоқлардан биз hozирда ҳам маълум даврга тегишли бўлганлигини, этник, магик, диний –маданий қарашларни англашимиз мумкин.

Тақинчоқлар – маданиятнинг универсал тили, улар ўзида этник хотирани сақлайдилар, халқ дунёқарашининг архетипларини ўзида намоён қилади. Шунинг учун унинг ясаиш ва тақиб юрилиши жараёнини бир пайтнинг ўзида муқаддаслик (ананавийлик жиҳатдан), кундалик, вербал ва новербал коммуникациялар рамзлари контекстида (семиотик жиҳатдан) кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбек миллий кийимлари ва тақинчоқларининг илмий жиҳатларини ўрганишда санъатшунос Н. Содиқованинг тадқиқотлари алоҳида ўринга эгадир¹. Ушбу муаллиф XIX –XX асрлардаги ўзбек миллий кийим ва тақинчоқларининг Республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги йирик музейларнинг фондларида сақланаётган ахборот ва маълумотлар асосида илмий тадқиқ қилган. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан чет элга олиб чиқиб кетилган этнографик манбаларнинг, хусусан тақинчоқ ва кийимларнинг мато ва андозалари, тақинчоқларнинг қийматини, номи ва тақилиш хусусиятлари ўрганилган.

Бу йўлда Н. Содиқова чуқур илмий ва тарихийлик, ҳаққонийлик ва объективлик методларини қўллаган ҳолда, Россиянинг Марказий Осиёга босқини натижасида ушбу

¹ Содиқова Н. XIX – XX асрларда ўзбек миллий кийимлари. Тошкент. Шарқ . 2001, б – 160.

худуд маданий ва моддий меросларининг қай тарзда талон – тарож қилинганлигини архив манбаларининг маълумотларини таҳлил қилиб, расмий равишда олиб чиқиб кетилган буюмларининг аниқ сонини келтиради.

М. Ю. Ибрагимова “Сурхандарё воҳаси анъанавий кийим ва тақинчоқлари (XIX аср охири – XX бошлари) (“Традиционная одежда и украшения Сурхандарьинского оазиса (конец XIX – начало XX вв.)²”) номли тадқиқотни амалга оширди . Ушбу ишда муаллиф Сурхандарё вилоятининг Шеробод, Бойсун, Сарнасой, Шургин туманларидан 1991 – 2002 йиллар мобайнида дала тадқиқотлари ва интервью асосида йиғилган маълумотлардан фойдаланган.

XIX аср охири - XX аср бошлари Бухоро заргарлик буюмларини Е. С. Широнова³ (Е. С. Ермакова) Бухорода заргарлик хунармандчилиги, маҳаллий ўзига хос хусусиятлари, анъанавий комплекслар ва ҳар бир буюмнинг маълум бир худудга алоқадорлиги жиҳатлари кўриб чиқилган . Асосий муаммо сифатида этномаданий алоқалар ўрганилган.

В. В. Лунёва⁴ Бактрия ва Тохаристон заргарлик буюмларининг техника ва технологик аспектларини тадқиқ қилган . Муаллиф ўз тадқиқотида Бактрия ва Тохаристондан топилган археологик манбаларнинг, яъни тақинчоқларнинг кимёвий таркибининг таҳлили орқали тадқиқотни амалга оширади, заргарлик буюмларининг тайёрланишини техник жиҳатларини ўрганиш орқали Марказий Осиёнинг бошқа худудларидан топилган заргарлик буюмларини таққослаган.

С. Давлатованинг монографиялари эса Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг XIX аср охири - XX асрдаги ўзбек кийимлари трансформациясини тадқиқ қилган⁵. Бу борада муаллиф воҳанинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Ғузор, Қарши, Косон, Касби, Муборак, Миришкор туманларидан йиғилган дала тадқиқотлари, манба ва махсус адабиётлар таҳлили асосида ишни амалга оширган. Ушбу китобнинг аҳамиятли жойи яна шундаки, қадимий кийим ва тақинчоқлар таснифи ва расмлари билан бир қаторда, замонавийликда қадимий аналарнинг уйғунлашув жараёнлари кўрсатиб берилгандир.

² Ибрагимова М. Ю. Традиционная одежда и украшения населения Сурхандарьинского оазиса (конец XIX – начало XX вв.) – Термиз Давлат Университети, 2002.

³ Широнова Е.С. Ювелирные украшения Узбекистана и Таджикистана конца XIX-начала XX вв.: (из собрания Государственного музея Востока). -М., 1992.-31с;

⁴ Лунёва В.В. Истоки ювелирного искусства Узбекистана// ИМКУ.-2002.- Вып.33. -С.284-299;/ Ювелирное искусство Северной Бактрии-Тохаристана (техничко-технологический аспект исследования): Автореферат канд. дисс. Ташкент, 1993.-21 с;

⁵ Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари (ананавийлик ва замонавийлик). Янги аср авлоди. Тошкент. 2006. – Б. 178.

Г. Юлдашева⁶ Нурота воҳаси аёлларининг ананавий киймлари ва тақинчоқлари соҳасида ёклаган номзодлик диссертациясида воҳа аёлларининг кундалик, байрам кийим ва тақинчоқлари ҳамда қизлар ва келинларнинг либослари ҳақида бой этнографик маълумотлар келтирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, муаллиф мавзунинг фақат воҳага хос жиҳатинигина назарий ва илмий жиҳатдан тўла асослаб бера олган. Бухоро заргарлик санъатини қадимий ва ўрта асрлар моддий ва ёзма манбалари асосида тадқиқ қилган яна бир олима бу М. И. Ниязовадир⁷. Муаллиф тадқиқотни асосан Бухоро да жойлашган музейлар ва Бухоронинг чет элларга олиб чиқиб кетилган ва ҳозирда чет эл музейларида сақланаётган заргарлик буюмлари асосида ёзган.

Ю. Ғайбуллаеванинг тадқиқотлари ўзбек аёллари бош кийимлари (XIX – XX асрлар) ҳақида бўлиб, бунда нафақат бош кийим, балки безак сифатида тақиладиган тақинчоқларни ҳам ўрганилгандир⁸. Бундан ташқари бир қатор илмий мақолалар кўринишида ўзбек миллий кийимлари ва безаклари ҳамоҳанглигини баён қилиб келмоқда.

Хоразм ананавий либос ва заргарлик буюмлари ҳақида Ш. Нуруллаева⁹ илмий тадқиқот ва монография нашр қилган. Бунда муаллиф ёзма манбалар ва Хоразм ўлкашунослик музейларида сақланаётган археологик буюмлар ва ашёлардан, архив маълумотларидан кенг фойдаланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек тақинчоқлари ўзининг серкирралиги билан ажралиб туради. Бу тақинчоқлар барча даврлар мобайнида ўзига хос ноёб элементлар билан бойитилиб келинган. Бу мавжуд элементлар албатта бир қанча ўзига хос мазмунларни англатган. Ҳозирги замонамизда анъанавий моддий маданиятимизнинг бир жабҳаси бўлган тақинчоқларни ҳозирги замон нуқтаи - назаридан илмий ёндошган ҳолда, тарихий, таҳлилий усуллар билан тадқиқ қилиш кераклиги долзарб муаммолар сафидан ўрин олган десак адашмаймиз. Бу мавзу доирасида тадқиқотлар юқорида келтириб ўтилган муаллифлар, тадқиқотчилар томонидан етарли даражада олиб борилган бўлсада, тақинчоқларнинг семантик ва семиотик жиҳатлари бизнинг замонамиз нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши лозим.

⁶ Юлдашева Г. Традиционная одежда женщин Нурота (конец XIX - начало XX вв.). – Ташкент. АҚД, 1995; ўша муаллиф. Традиционная одежда женщин Нуроты// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1995. -№ 9, Б. 82 – 85.

⁷ Ниязова М. И. Древние и средневековые ювелирные изделия как источник по истории культуры Бухары (по археологическим материалам)./ АН РУз САИ им. Я. Гулямова. – 2007. С

⁸ Содиқова Н., Ғайбуллаева Ю. Ўзбек миллий бош кийимлари. Тошкент. - 2014. – Б. 335; ўша муаллиф. Аёллар кийим безаклари (XIX–XX асрлар)// Мозийдан садо. – 2016. № 71

⁹ Нуруллаева Ш. Хоразм ананавий кийим ва тақинчоқлари. Янги нашр, Тошкент. - 2013. Б -154.

